

Муҳаммад Бекжон жазо изоляторига ташланди

Муҳаммад Бекжон энг кўп камоқда ўтирган дунёдаги ягона журналистдир. (Фото: Маҳкум оиласи архивидан)

17 йилдан буён камоқда қолаётган таниқли журналист, 62 ёшли сиёсий маҳкум Муҳаммад Бекжон жазо изоляторига ташланган ва унинг муддати узайтирилиши мумкин.

Муҳаммад Бекжоннинг яқин қариндошларига кўра 13 декабр куни улар маҳкумни кўриш учун Зарафшон турмасига боришган.

Бироқ, турма ходимлари Муҳаммад Бекжон билан ўнинчи январга қадар учрашиш мумкин эмаслиги, унинг изоляторга тушганини билдиришган.

Нима учун Муҳаммад Бекжоннинг жазо хибсхонасига ташлангани ҳақидаги саволга турма ходимлари аниқ жавоб бера олишмаган.

2011 йили озодликка чиқишига бир ой қолганида унга уйдирма айблар қўйилиб жазо муддати 4 йилу 8 ойга узайтирилган эди, бу муддат 2017 йилнинг февралда, яъни икки ойдан сўнг тугаши керак эди.

Бугун эса сиёсий маҳкум ва журналистнинг тагин раскрутка қилинишидан ҳавотир пайдо бўлди.

У муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг укаси ва «Эрк» рўзномасининг собиқ бош муҳаррири бўлгани учун узок йиллардан бери камоқда қолмоқда.

Муҳаммад Бекжон 1999 йилдаги Тошкент портлашлари ортидан Киевдаги уйдан ўғирлаб кетилган ва портлашларга алоқадорликда айбдор, деб топилиб, озодликдан маҳрум этилган эди.

Манба: Eltuz.com



"МУҲАММАД БЕКЖОНОВ ЗУДЛИК БИЛАН ОЗОД ЭТИЛСИН"

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ташкилотлар, хусусан Хюман Райтс Вотч ва Халқаро Амнести Ўзбекистон ҳукуматидан 17 йилдирки камоқда қолаётган журналист Муҳаммад Бекжонни озод қилишни сўрашмоқда.

62 ёшли Муҳаммад Бекжонов келгуси январда озод этилиши кутилаётганди, аммо шу кунларда жазо изоляторига ташланган. Ҳуқуқ ташкилотларига кўра, одатда бунинг ортидан тутқуннинг жазо муддати узайтирилади.

Бекжонов оиласига кўра, у Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 48-турмада сақланмоқда. Унинг акаси Жуманазар Бекжонов 13 декабрь куни уни кўришга борганида, турма расмийлари у жазо изоляторда экани ва 10 январгача уни кўриш мумкин эмаслигини айтганлар.

Турмадаги биронта расмий у нега ва қачон жазо изоляторига ташланганини айтмаганлар.

Журналистик фаолияти учун энг кўп муддатни камоқда ўтказаётган Бекжоновнинг соғлиғи ёмонлашгани айтилади.

"Унинг аҳволи жазо изоляторда янада ёмонлашиши мумкин. Ўзбекистон ҳукумати ва Президент Шавкат Мирзиёев унинг зудлик

билан ва шартларсиз озод этилишини таъминлашлари керак", - дейилади Хюман Райтс Вотч баёнотида.

Муҳаммад Бекжонов таниқли муҳолифатчи ва шоир Муҳаммад Солиҳнинг укасидир. 1990-йиллар бошларида Муҳаммад Бекжонов ёпиқ мавзулар, хусусан иқтисод аҳволи, пахта далаларидаги мажбурий меҳнат ва Орол фожеаси ҳақида мунозараларни бошлашга уринган.

Унинг акаси Муҳаммад Солиҳ 1991 йилги президентлик сайловларида Президент Ислом Каримовга қарши ўз номзодини қўйганди.

"Каримов 1999 йилда Тошкентда юз берган портлашлардан ўз танқидчиларини тинчителиш йўлида фойдаланди ва уларни хужумга алоқадор деб топди. Кўпгина демократпараст фаоллар қатори Бекжонов ҳам шу йўлда судга тортилиб, 15 йилга қамалди. Бекжонов билан бир вақтда хибсга олинган яна бир Эрк журналисти Юсуф Рўзимуродов ҳам хали ҳам камоқда", - дейилади баёнотда.

Халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларига кўра, Ўзбекистон

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Сенати 12 октябрда қабул қилган амнистия 60 ёшдан ошган тутқунлар озод этилишини назарда тутди ва қонунан Бекжонов озод этилиши керак.

"Сўзэркинлигидан фойдалангани учун қамалган Муҳаммад Бекжонов ва бошқаларнинг зудлик билан озод қилиниши янги президент Шавкат Мирзиёев томонидан берилган ижобий ишора бўлган бўларди. Бу билан у Ўзбекистоннинг ўта ёмон

инсон ҳуқуқлари вазиятини ислоҳ қилишга уринаётгани тушунилган бўларди", - деди ХРВнинг Марказий Осиё бўйича тадқиқотчиси Стив Свирдлов.

Манба: bbc.com/uzbek



Залолат сари етаклаётган "Умид"

Шу кунларда Ўзбекистонда бўлаётган воқеалар ва "ўзгариш"лардан ўзгача завқланиб, катта "Умид" билдираётганлар ва хайрихоҳлар талайгина.

Булар орасида юрт ичида ва ташқарисида туриб, "Мирзиёевчилик"га даъват қилиб, уни хоҳ очикчасига хоҳ гап орасида эслаб ўтаётганлар бор алабатта.

Бунда энг ачинарлиси халқ, келажак авлод бўлиб қолмоқда. Чунки 25 йил давомида доимий пропаганда ва шахсга сиғиниш тизими остида улғайганлар энди фақатгина шу ҳилдаги тизимни улуглаб яшамайди деб ким айта олади?

Ўзидан кейинги авлодни ҳам шу тизим "қули"га айлантормади деб ким қафолат бера олади.

Албатта, бунда ташқаридан зиёли кўрингани билан, амалда лаганбардорлигу, хайрихоҳликдан бошқа иш қила олмайдиган "зиёли"ларнинг, умрини шахсга сиғинишга бағишлаган шоирларнинг, хизматлари анча катта.

Булар қаторига чет давлатларда ўзларини "муҳолифат" деб эълон қилгану, амалда тухмат ва халқ орасида ифвогарчиликдан нарига ўта олмайдиган, бир вақтлар

Каримов ҳукуматида ҳам астойдил хизмат қилганлар аъзоларини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Юқорида айтиб ўтганимдек, ҳозирда улар тарафидан олиб борилаётган пропаганда жуда асоратли из қолдириши аниқ.

Яъни, бунда ҳозирги ва келажак ёшларининг, сиёсий саводхонлигини, маърифатини, танқидий фикрлай олиш қобилиятини, тенглик ва энг асосийси хуррият тушунчасини батамом яксон қилиши аниқ.

Чунки ҳали ҳам ёшлар учун уларга дастак бўла оладиган, ўргатадиган, ўрнак бўла оладиган Устоз ва ҳақиқий зиёлилар бор, шунинг учун ҳам ҳақиқатни англаган, тоталитаристик ҳукуматнинг асл қиёфасини ва ишлаш тизимини тушунган, халқга ҳам шуни кўрсатишни истаганлари бор.

Лекин вақт ўтиши билан, теран фикрли, сиёсий принципларини аниқ қилиб олган, ўз мақсад йўлида шахдам қадам босишга аҳд қилган, хуррият йўлида ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларга бардош бера оладиган зиёли ёшларга талаб ортиб боради.

Агар биз амалда кўз ўнгимизда қурилаётган ва Каримов давридан

"меърос" бўлиб қолган пропаганда билан кескин курашмас эканмиз биз, ватаннинг келажак зиёли қатлами қай ҳолатда бўлишини тасаввур қила олмаймиз.

Зеро, "Умид" қилиб, қарсак чалаётган ичида ҳақиқатдан ҳам ҳақиқатдан хабари бўлмаган, чорак асирлик пропаганда остида "зомби"га айланиб қолганлар ҳам кўп.

Аммо ҳамма нарсани тушуниб туриб, лаганбардорлик қилаётган зиёлилар-у, "муҳолифатчи"лар, бир нарсани англаб етиши лозимки, уларнинг ҳозирда қилаётган, шахсий манфаатлари йўлидаги ҳаракатлари, эртага ўзларига ва ўша қора кўз халқ учун тўқмоқ бўлиб қайтиб келиши аниқ.

Буни Каримов пайтида унинг номини улуглаб, унинг учун дostonлар битган зиёлиларни вақти келиб қувғин қилгани мисол бўла олади.

Бунда яна ўша халқ онги янада заҳарлангани қолади.

Халқ ўзи севган, улуглаган зиёлини тўғри йўлга бошлашига албатта ишонади.

Ҳозирда Мирзиёев ўз бошқарув тизимини ҳокимиятга олиб келаяпти, бу йўлда у аввал виртуал қабулхона ниқобида, ўзига кераксиз амалдорларни ишдан олган бўлса, энди очикчасига ўз "элитасини" сайлаб чиқаяпти.

Бу "элита" машҳур поракўрлар, ўғрилар ва мунофиқлардан иборат десак муболага бўлмайди.

Шу ўринда ўша мансабларда олдин ўтирган инсонлар бундай "ҳислатлардан" йироқ бўлмаган инсонлар бўлсада, улар Каримов учун содик хизматчилар бўлишган, улар ҳам халқга анча жабр кўрсатишган.

Бу гаплардан мақсад, Мирзиёев бир томонда ўз тарафдорларини мансаб курсиларига ўтқазар экан, биз ватанамиз хурриятини Каримов давридан кўра чуқурроқ зиндонга ташлаяпмиз.

Зеро, Мирзиёев учун хурриятнинг ҳар қандай кўринишини бўғиш Каримов тизимидан меърос бўб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қолди, уни бундан кейин тобора сиқиб бормаслигига ҳеч ким кафолат бўла олмайди.

Хулоса ўрнида, халқимиз “Умид” қилаётган келжақда, Россия тизгинида бўлган, бир неча бойлар қўлида қолган, сиёсий томондан тобора сиқувга олинган жамият бўлмаслигига кафолат бера оладиган инсон йўқ.

Шунинг учун халқимизга

ҳозирдан дастак бўлмасак, курашга қаттиқроқ киришмасак, муҳолифат Лидери айтганларидек “Энди бироз ёмон бўлайлик”.

Зеро, шундагина келажакда нафақат залолат билан, балки ўзимидан чиққан катта сонли манкурт ва мунофиқлар билан ҳам кураш олиб боришимизга тўғри келади.

Бу йўлда барча ёшлар бирлашиши ва биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Шундагина

биз халқимизга бир ўрнак бўла олишимиз ва ўзимиздан кейинги авлодни сиёсий “қуллик”дан сақлаб қолишимиз мумкин бўлади.

Аввалги мақолада айтганимдек, хурриятни мақсад қилган ҳар бир ёш, бу мақсадни теран англаши, ўзи учун, хуррият учун курашяккаликда эмас балки елкадошликда, билмаганларимизни ўрганган ҳолда, Лидер бошчилигида олиб боришимиз керак бўлади.

Абдумалик Солиҳ

Жиззахда энергия таъминотидаги узилишларга қарши норозилик билдирган аёллар таъқиб остига олинмоқда

Энергия таъминотидаги узилишларга қарши норозилик билдирган аёллар расмийлар томонидан таъқиб остига олинмоқда. 2016 йил 4 декабрь куни ўтган мамлакат президенти сайловларидан сўнг Жиззах вилоятида уйларига газ етказиб берилиши талаби билан чиққан аёллар ҳар куни сўроққа тутилмоқда.

“Фарғона” агентлигининг Жиззахдаги манбаси маълум қилишича, 2016 йил 24 ноябрь куни Корогуйли ва Овиз қишлоқларидан 200 нафарга яқин аёллар магистрал кўчада транспорт ҳаракатини тўхтатиб қўйиб, табиий газ таъминотини ўнглаб қўйилишини талаб қилишган. Тез орада бу ерга туман ҳокими ва ИИБ бошлиғи етиб келиб, аҳолига кўмир ва газ баллонлари билан таъминлашни ваъда қилишган. Бу ишларинг ҳаммаси видеокамерага олинган.

Эртаси куни ҳар бир уйга нархи 5000 сўмдан бир қоп кўмир берилган. Лекин кўмир майдаланиб қумга айланиб бўлган, сифати пастлиги учун кўпчилик олишдан бош тортган.

Икки-уч кун ўтиб қишлоққа Жиззах вилоятининг ҳокими Сайфиддин Исмойлов келиб айланиб кетди. Бир ярим ҳафта ўтиб, яъни президент сайловлари ўтиб бўлганидан кейин эса Ғаллаорол тумани жиноят қидирув бўлимининг ходимлари кечкурунлари келиб,

пикетда иштирок этган аёлларни ИИБга зўрлик билан олиб кетиб, сўроққа тутишган. Милиция ходимлари ҳар куни 3-5 та аёлни олиб кетиб, уларга бақириб ҳақорат қиляптилар ва магистрал кўчани тўсиб қўйиш фикри кимдан чиққанини аниқламоқчи бўляптилар. Улар норозилик акциясининг ташаббускорига қарши кўрсатма тўплайптилар.

Шундай қилиб, муаммони ҳал қилиб, электр ва газ таъминотини йўлга қўйиш ўрнига расмийлар норозилик билдирган одамларни босим остига олишни бошладилар.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда ҳар йили қиш мавсуми бошланиши билан газ ва электр тақчиллиги бошланади. Бу муаммо ҳақида “Фарғона” агентлиги кўп мартаба ёзиб келган ва бу мавзу афтидан хали кўп йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмайди. Расмийлар бу муаммонинг сабабчиси сифатида аҳолининг коммунал хизматлар учун тўловлардан қарздорлигини кўрсатиб келади. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларга табиий газ экспортининг ҳажмини оширишга интилаверади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистоннинг янги сайланган президенти Шавкат Мирзиёев келаётган 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилган. Ҳозирча мулоқот бўлаётганга ўхшамаяпти.

Манба: “Фарғона” АА

Анқарадаги замонавий санъат галереясида рус фотосуратчиларининг «Россия турклар нигоҳида» кўргазмасининг очилиш маросимида ваъз ўқиётган Россиянинг Туркиядаги элчиси Андрей Карлов отиб ўлдирилди.

Карлов ўлдирилган жойда ўзбек элчиси ҳам бўлган

Воқеа жойида Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси Улфат Қодиров ҳам бўлган. Қотил илк ўқни узган пайтда Қодиров биринчилардан бўлиб зални тарк қилган.

Кўргазма бўлаётган залга «полицияданман» дея қирган замонавий костюм шимли киши аввалига осмонга ўқ узиб «даф бўлинг ҳаммангиз» дея бақирган. Кейин эса элчининг елкасига ўқ узган.

Қотил элчига қараб кетма-кет ўқ узаркан, «Ҳалабда ўлдирилган норасида гўдаклар учун қасос оламан. Оллоҳу Акбар» дея ҳайқирган.

Россиянинг Туркиядаги элчиси Андрей Карлов қотиллик содир этилган пайт Царь пушка ва учта замбарак ўқи акс этган расм фонидан нутқ сўзлаётган эди.

Одамлар зални тарк этганидан кейин қотил элчига қараб яна ўқ узган.

Аснода қотил турк махсус кучлари тарафидан ўлдирилган.

Россия расмий манбалари рус элчиси Андрей Карловнинг ўлганини тасдиқлади.

Россиянинг Сурияда олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларига жавобан қуролли ҳужум уюштирилгани иттифоқ қилинмоқда.

Манба: Eltuz.com

Сўнги вақтлар Туркияда келиб чиқиши собиқ иттифоқ давлатларидан бўлган бир неча шахслар ўлдирилди.

Бу қотилликларни россияликлар амалга оширгани борасида баъзи далиллар бор. Ана шундай ҳолатлардан бирида қотиллик содир этилган жойда ҳатто исмлар, фотосуратлар ва USB хотира ускунаси ҳам қолдириб кетилганди. Бу эса полиция учун етарли маълумот эди.

Руслан Ибраҳимов руслар унинг кетидан тушишлари мумкинлигини биларди.

У Туркиянинг Илмтепа



БИ-БИ-СИ: ТУРКИЯДАГИ ҚОТИЛЛИКЛАРДА РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ИЗИ

шаҳрига келган чеченистонлик қочкинлардан бири эди. Балки улар бир-бирларини ҳимоя этишга умид қилишганди.

У ўз квартирасини машинада келган шахслар кузатиб юришганини сезганди.

Кўп ўтмай 46 ёшли Руслан Ибраҳимовни ўз уйининг эшиги ёнида отиб кетишди.

"Ўқ овозини эшитиб ошхонадан югуриб чиқдим, ўғлим "дадажон", деб кичкирди", дея эслайди Русланнинг турмуш ўртоғи Патима. "Ҳаммаёқ қон эди. Боши, кўкси, бўйнидан ўқ еганди... Эшикни очиши билан отишган. Ҳаммаси Оллоҳдан. Жазосини Парвардигор берсин".

1990 йилларда Руслан бошқа кўплаб чечен йигитлари каби Россия қўшинларини ўз ватанларидан чиқариш йўлида курашган эди.

Кўплаб чеченлар учун бу мустақиллик учун кураш эди. Лекин Россия охир-оқибат уларни енгди ва кейинроқ улардан бири, Рамзан Қодировни республикага раҳбар этиб тайинлади.

Русланнинг Facebookдаги саҳифасидан аён бўладики, у Чеченистондаги қаршилик ҳаракати билан алоқаларини сақлаб қолган.

Бир суратда у мавжуд бўлмаган мустақил Чечен давлати томонидан берилган паспорт билан расмга тушган. Сурат Истанбул ҳаво қўналғасида олинган.

Уни айнан нима учун ўлдиришган маълум эмас. Аниги шуки, у собиқ Иттифоқдан бўлган ва Туркияда бошпана топган ўзбек, чечен ёки тожик миллатига мансуб ўлдирилган 12 кишидан биридир.

Бу ҳодисадан 6 ойча аввал, 2015 йил 1 ноябрда яна бир чечен Абдулвоҳид Эделгириев жиянини Истанбулнинг Кейешехр мавзесидаги савдо марказига олиб бормоқчи эди.

Кўчада уларнинг йўлини бир машина тўсди. Ичидан бир одам чиқиб машинада ўтирган Абдувоҳидга қараб ўт очди. Лекин ўқ нишонга тегмади.

У машинадан чиқиб қочди, ҳужумчи қувди. Алал-оқибат уни ўқ билан кулатиб, устига-устак пичоқладилар ва қонга ботган ҳолда ташлаб кетишди.

Эделгириев Чеченистон мустақиллиги учун курашни давом эттирганлардан эди.

2008 йилгача у тоғларда яшириниб юрди. Бир куни портловчи ускуна қопқон-арқонига қоқилиб кетди. Портлаш оқибатида оёғи қаттиқ жароҳатланди.

Туркияда даволангач, собиқ Иттифоқдан бўлган Суриядаги бошқа кўплаб Исломий жангарилар сафига қўшилди. "Ал-Қоида" билан алоқадор "Жабҳат-ул Нусра"га аъзо бўлди.

Сурияда кўплар ҳалок бўлди. У эса Туркияга қайтиб, айтилишича Россия ҳудудида жиходни давом эттириш илнжида бўлган гуруҳга қўшилди.

Бу каби шахсни йўқотиш, албатта Россиянинг манфаатида бўлиши мумкин эди.

Уни Россия президенти Владимир Путинни ўлдириш режасига қўшилганликда ҳам гумон қилишганди.

2012 йили Одессадаги бир квартирада портлаш рўй берди.

Бу бомба ясовчиларнинг муваффақиятсиз тажрибаси, дея хабар берилди.

Бир неча шахс ҳибга олинаб, улардан бири телевидение орқали "изхорида" мақсадлари Владимир Путинни ўлдириш бўлганлигини айтди. У кейинчалик бу сўзидан қайтди. Қўлга олинганлардан яна бири Эделгириевни айни режани ишлаб чиққан ва портловчи моддалар билан таъминлаган шахс сифатида тилга олди.

Жаноб Путин қатъий огоҳ билан чиқди.

"Уларнинг қўли менга етмади ва ҳеч қачон етмайди ҳам. Бировдан муттасил равишда қўрқиб яшасанг, бу ҳаёт эмас. Улар биздан қўрқишлари керак", деди Россия президенти.

10 йил аввал Лондонда Александр Литвиненконинг радиоктив полоний моддасини билан заҳарлаб ўлдириш, тахмин қилинишича, Россия томонидан амалга оширилган қатллардан энг даҳшатга соладигани бўлса бордир, лекин яғонаси эмас.

2004 йили Қатарда Чеченистоннинг собиқ президенти Зелымхон Яндарбеев машинаси портлатилди. Яндарбиев ҳалок бўлди.

Қатар маҳкамаси Россия Ҳарбий Жосуслик хизматининг икки ходимини бу қотилликда айбдор, деб топди ва улар қамоқ жазосини ўташ учун Россияга юборди. Уларни Россияда учоқдан тушишлари билан қизил гиламларни поёндоз қилиб, кутиб олишди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Прагадаги Халқаро Алоқалар Институтидан профессор Марк Галеотгининг айтишича, "Россия ўз хавфсизлик манфаати йўлида хорижда муҳолифларига чора кўришга ўзини ҳақли ҳис қилувчи давлатдир".

"Иккинчидан, ўзига қарши хавфларни бартараф этиш учун қонли йўлдан борувчи давлатдир. Одам ўлдириш муаммо кўрилмайди".

Туркияда амалга оширилган қотилликлардан атиги бир нечасигина очилган. Лекин 2011 йили амалга оширилган учта қотиллик бораисда Би-би-си қўлга киритган полиция маълумотларига кўра, улар борасида анчагина далиллар бор.

Қурбонлар ўша йили Москванинг Домодедово аэропортида амалга оширилган портлашга алоқадор кўрилган чеченлар эди.

Ўша ҳужумда 37 киши ҳалок бўлиб, 170 киши жароҳатланганди.

Уччаласи ҳам Истанбулнинг Зайтунбурну мавзесида ўлдирилган. Қотилликлар профессионал даражада амалга оширилган бўлса ҳам, уларни амалга оширган 5 киши кирага олинган машинада қатор маълумотларни қолдиришган.

Уларнинг исмлари ва фотосуратлари ва ҳаёт тарзларидан хабар берувчи суратларга тўла USB хотира флешкаси... Унда тезорар машиналар, ёру-дўстлар, вискихўрлик ва ҳатто нацистлар белгиси билан безалган мотоцикл расмлари бор.

Бу шахсларнинг бари Россиядан эдилар.

Биринчи гал машина кира қилишганда, оқ ёки оч рангдаги машина сўрашган.

"GPS системаси йўқ бўлсин", деб шарт қўйишган.

Лекин аён бўлишича, машинада GPS бор экан ва улар уни ўчиришни унуттишган.

Натижада полиция қотилликдан аввалги 2 кунда улар қаерларда бўлганларини аниқлаб, кузатув камераларидан талайгина тасвирларни топди.

Қурбонлардан уч киши, Бергхож Мусаев, Рустам Алтемиров ва Заурбек Амриевлар масжиддаги жума намозидан қайтаётган вақтлари ўлдирилганлар.

Кирага олинган 2 машина уларни кўча муюлишида кутиб турган. Белгиланган вақтда машиналардан бири муюлишдан чиқиб келган.

Ундан тушганлар 11 маротаба ўқ очишган. Шундан сўнг яна машинада қочишган ва бу россияликлар мамлакатни тарк этишган.

Мен Москвада қотилликка алоқадор кўрилган шасхалардан бири, ҳодиса ерида топилган флешканинг ва нацистлар белгиси туширилган мотоциклнинг эгаси Надим Аюповни билган шахслар билан учрашдим.

Уларга кўра, Аюпов хавфсизлик хизматидан эмас, у машина ўғрилиги билан шуғулланадиган жиний гуруҳ аъзоси.

Профессор Марк Галеотига кўра эса, "1990 йиллардан бери хавфсизлик хизмати билан жиний гуруҳлар ўртасида "ҳамкорлик мавжуд".

"Ёлланган қотиллар махсус хизматлар томонидан тайёргарликдан ўтказилган ҳолатларни биламиз. Собик ФСБ ва КГБ зобитлари томонидан асос солинган жиний гуруҳлар борлиги ҳақида ҳам огоҳмиз".

Туркияда фақатгина чеченлар ўлдириляётгани йўқ

2014 йил 10 декабр тонгида ўзбекистонлик имом Абдулло Бухорий

Истанбулнинг Зайтунбурну мавзасидаги ўзи ишлайдиган мадрасага етиб келди.

Кузатув камераларида у бинога киришга ҳаракат қилаётгани туширилган. Лекин эшик ёпиқ экан. Деразани тақиллатади. Ҳеч ким йўқ. Кутишдан бошқа иложи йўқ. Йўлкада турар экан, унга бир шахс яқиналашди. Чўнтагидан тўппонча олиб имомга ўқ очади. Шу вақт кимдир мадраса эшигини очади, лекин кеч эди. Имом Бухорий касалхонада оламдан ўтди.

Туркия полициясининг собик ходими Алижан Элеманга кўра, бу қотилликда ҳам Москванинг қўли борлигига оид далиллар бор.

Элеманнинг айтишича, бу қотилликни амалга ошириш сўралган собик чечен жангариларидан бири у билан алоқага чиққан.

Элеман ва ўша чечен ўзларини гўёки "вазифани" бажаришга қизиққандек қилиб кўрсатишган ва кўпроқ маълумот олиш учун учрашув белгилашган.

Элеманнинг айтишича, қотилларни ёлламоқчи бўлган шахс Россия паспортига эга бўлган, аммо миллати ўзбек шахс эди. У Россия ФСБси томонидан тайёргарликдан ўтган ва исми Собир Шукуров эди, лақаби "Саша".

"Учрашдик. Туркиядаги 15 кишининг исмини келтиришди. Россия Хавфсизлик Хизмати улардан 4 кишини зудлик билан ва бир вақтда ўлдиришини истаганди", дейди Элеман.

"Бу учун ажратилган маблағ улкан эди. Ҳар бир қотиллик учун 330 минг доллар таклиф қилишди".

Элеман ва унинг чечен дўсти нишонга олинган тўрт киши, жумладан имом Бухорийни огоҳлантиришга қарор бердилар.

Элеман ва дўсти, имом Бухорий ва ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ билан юзмаюз учрашиб, ўз билганларини айтишди. Огоҳлантиришди.

Кейин полицияга бориб, билдириш бердилар. Бу Бухорийнинг ўлиmidан 6 ой аввал эди. Лекин полиция фақатгина унинг ўлиmidан сўнг чора кўришга киришди.

Ҳозирда Муҳаммад Солиҳ полиция назорати остида,

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

номаълум манзилда яшамокда. У уйдан камдан-кам чиқади. Чикса ҳам бир йўлдан юрмайди. Бошпана топган мамлакатдаги уйда... деярли ҳибсда яшайди.

Лекин Ўзбекистон ҳукуматининг мухолифларини ўлдиришдан Россияга нима наф?

Марк Галеотининг айтишича, "минтақадаги режимларга яқин дўст бўлиб, Россия ўз обрўсини сақлаб қолишга ҳаракат қилади".

"ФСБ Ўзбекистондаги каби давлатлардаги ҳамкорлари билан яқин алоқада. Шунингдек, Туркменистон, Тожикистон ва Қозғистондагилар билан ҳам... Ўртада сиздан угина, биздан бугина қабилида иш юритилади. Бу Москванинг ўзининг минтақа учун қанчалар керакли эканлиги ҳақидаги тасаввурни сақлаб қолиш йўллари билан бири. Яъни, Москва "биз сизга "қора ишингизни қилишда ёрдам берамиз, ё ҳатто сиз учун қилиб ҳам берамиз" қабилида иш юритади".

Шу йил март ойида савдо марказига борган вақти ўлдирилган Абдувоҳид Эделгириев ишида муҳим ўзгариш рўй берди.

Россиядан келган икки киши, Александр Смирнов ва Юрий Анисимов Истанбулга учиб келиб, аэропортда машина кира қилишди. Уларнинг ортига Туркия полицияси ва жосуслик хизмати тушди.

Бу гал ҳам руслар оқ рангдаги, автоматик бошқарув машинасини талаб қилдилар.

Уларнинг ортидан тушган ходим Би-би-си билан махфий равишда суҳбат қилди.

"Ўша одам келиб, "бу машина ичида GPS борми?", деб сўради. Мен "йўқ", дедим. "Худди шуни оламиз", деди.

Улар 2011 йилги хужумга алоқадор кўрилганлар қандай йўл тутишга бўлса, худди шундай қилишмоқда эди.

Лекин улар мақсадларини амалга оширмай туриб, ҳибсга олиниб, Эделгириевнинг ўлимига алоқадорликда гумон қилинди.

Бу одамлар ҳозир ҳибсда сақланмоқдалар.

Россия жосуслик хизматидаги манбалари билан танилган Rosbalt хабар агентлиги журналисти Александр Швалеунинг айтишича, Александр Смирновнинг асл исми Валид Лурахмаевдир. У



А. Смирнов

А. Эдильгериев

Ю. Анисимов

90 йилларда Москвадаги чечен мафияси гуруҳларидан бири аъзоси бўлган ва котилликлар бўйича "мутахассис".

Яна бир журналист Сергей Каневнинг айтишича, Лурахмаев Кавказдаги терроризмга қарши ФСБ гуруҳида ишлаган.

"Менинг полиция ва Ички Ишлар вазирлигидаги танишларимдан билишимча, у химоя остидаги шахс. Ўта шубҳали одам".

Лурахмаевнинг Анна Политковская иши билан боғлиқлиги:

1. Анна Политковская Владимир Путиннинг Чеченистондаги амалиётларини ёритиб келган журналист эди.

2. 2006 йил 7 октябрида Политковская Чеченистондаги москванараст гуруҳлар томонидан қийноқлар кўлланиши ҳақида мақола эълон қилиш арафасида эди.

3. У уйига қайтаётган вақти, дахлизда кутиб турган одам уни отиб ўлдирган.

4. ФСБ ҳужжатларига кўра, Валид Лурахмаевнинг мобил телефони бу котилликдан сал ўтмай шу яқин орадаги парклардан бирида бўлгани қайд этилган.

5. Полиция Лурахмаевни Политковская иши бўйича ҳеч қачон сўроққа тутмаган.

Россия ҳамшиша Алесандр



Литвиненко ва Зелимхон Яндарбеев дохил хориж мамлакатларидаги котилликларга алоқаси йўқлигини айтиб келади.

Туркияда амалга оширилган котилликлар борасида Россия президенти сўзчиси Дмитрий Песков "Бизда ҳеч қандай изоҳ йўқ ва бу ерда келтирилган ҳодисаларнинг Россия ёки президент Путин билан ҳеч қандай алоқаси йўқ", деб айтган.

Туркия ҳукумати, ФСБ ва Ўзбекистон Хавфсизлик Хизмати ҳар қандай изоҳдан бош тортганлар.

Агарда бу котилликлар ортида ҳақиқатан Россия турган бўлса, Туркия бу йўлда Москвага тўсиқ бўлиш учун деярли ҳеч нима қилмаган.

Смирнов/Лурахмаев ва Анисимовларнинг ҳибсга олинишлари Туркия Сурия чегарасига яқин ерда Россия учоғини уриб туширишидан сал ўтмай юз берган.

Ўшанда икки ўртадаги муносабатлар ўта совуқлашиб кетганди. Ҳозирга келиб бу муносабатлар яна яхшиланмоқда.

Агарда алоқалар яхшилигича қолса, Суриядан қайтган бир чечен жангарисига кўра, Россия яна Туркия тупроғидаги "амалиётларини" давом эттириши мумкин.

Лекин Туркияда кўпроқ инсонларни ўлдириш Россияни хавфсизроқ қиладими? Суридаги жанглarda суяги қотиб келган чеченларга кўра, "йўқ, аксинча". Уларни Москванинг бу амаллари Россияга қарши янада қатъийроқ курашишга ундайди.

Мурад Батал Шишаний
Манба: bbc.com/uzbek

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон
("Нафсимга ўғитлар"
туркумидан.)

Ушбу воқеани шайх Алоуддин Мансур маърузаларидан бирида эшитган эдим. Айтишларича, бўлган воқеа экан:

Қайсидир замонда бир шаҳарда тарових намози устида тортишув чиқибди. Бунақа тортишувлар ҳар рамазон кирганида бўлиб турар экан-у, ўша йилги рамазонда вазият кескинлашибди.

Бир гуруҳ таровихни 20 ракат ўқишни бидъат дебди. 8 ракат ўқиш суннат дебди. 8 (саккиз) ракат ўқишимиз керак деб оёқ тираб туриб олибди.

Иккинчи гуруҳ 20 ракат ўқишни ҳам суннат дебди. 20 (йигирма) ракат ўқишимиз керак деб оёқ тираб туриб олибди.

Тортишув узоқ давом этибди. Томонлар ҳеч бир-бирига ён босай демабди.

Охири жанжалга айланибди. Ҳатто ўртада қон тўкилиши хавфи юзага келибди.

Хайрият, ораларида эсини еб қўймаган одамлар ҳам бор экан.

– Фалон жойда тақволи олим зот

Қаёққа кетяпмиз?!

бор. Келинлар, икки томондан ҳам вакиллар борайлик, масаламизни ҳал этиб берсин, – дебди.

Келишишибди. Боришибди.

Тақволи олим зот ҳар икки томоннинг ҳам даъвосини эшитибди.

– Модам мени ҳакамликка танлаб келибсизлар, қандай ҳукм чиқарсам ҳам, сўзсиз итоат этасизларми? – деб сўрабди.

– Итоат этамиз! – деб сўз беришибди вакиллар.

– Унда кулоқ солинлар: бугундан бошлаб тарових намози йўқ! Тамом! – дебди.

Икки томон ҳам фатво ўз фойдасига чиқишидан умид қилган экан, тамоман бошқача ҳукмни эшитиб саросимага тушишибди. Шовқин бошланаётган экан, тақволи, олим зот уларни босибди:

– Итоат этамиз деб қасам ичдиларинг, энди сўзларингда туринлар! – дебди овозини юксалтиб. Сўнгра англабди:

– Тарових намози нафл амал, мўминлар биродарлиги эса – фарз! Оллоҳ таоло мўминларни ўзаро

биродар бўлишга буюрган, аммо тарових намозига буюрмаган! Бир нафл устида тортишиб фарзни тарк қияпсизлар! Фарз амали таҳлика остида қолганида нафлдан воз кечилади. Тамом, бугундан бошлаб тарових намозини ўқимайсизлар!..

У замоннинг мўминлари тақволи олим зотларнинг гапини оларкан. Ҳукмдан рози бўлиб, маконларига қайтишибди...

* * *

Эй мўминлар! Эй ака-укалар! Бугун бизга нима бўлди?!

Биз ҳатто нафл амал бўлмаган нарсалар устида жанжаллашяпмиз!

Мўминнинг обрўйи мўминга ҳаром! Биз ҳеч жирканмай ҳаромга кияпмиз – бир-биримизнинг обрўйимизни тўқияпмиз!

Бўйнимиздаги Оллоҳ буюрган энг муҳим фарзлардан бирини – ўзаро биродар эканимизни унутиб... фарз эмас, вожиб эмас, суннат эмас, ҳатто нафл ҳам эмас, балки одоб ё урф даражасидаги майда "масалалар" устида бир-биримиз билан душманлашиб кетяпмиз!

Ўзимизни бир текшириб олайлик: биз қаёққа кетяпмиз?!

Манба: nmr-yondaftari.blogspot.com.tr



Сиёсий ҳушёрлик — узоқ яшаш сирларидан бири

Ўзбек газеталари нималарни ёзмақда?

«Халқ билан фикрлашган одам кам бўлмайди», дея мулоҳаза қилди «Ўзбекистон овози» газетаси (13.12) сайланган президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили», деб эълон қилиш ортидан.

«Маҳаллий ҳокимларнинг халқ олдида ҳисобот бериши, депутатлар ва сенаторларнинг жойлардаги муаммоларни изчил ўрганиши одамларни ўйлантириб келаётган муаммоларга ечим топишда, вакиллик ҳокимияти ва ижро ҳокимиятининг бир-бирига мувофиқ ҳолда фаолият юритишида, инсон манфаатларининг ишончли

ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади», деб ёзди газета.

Ўзбекистон нашрлари бу ҳақда илгари ҳам худди шу сўзларни қўллаган ҳолда кўп ва хўп ёзган. Лекин халқ ўз тақдирида бу ўзгаришларни ҳис қилдимиз? Йўқ, албатта. Унда марҳум президент даврдан қолган бу қуруқ аравани яна судрашдан не наф? Бу тешик тоғора ҳақидаги нақлни эслатмаяптими сизга?

Гарчи янги президент ҳокимият халқдан узоқлашиб кетганини очик айтганига қарамай, газета бу ҳақда очик ёзиш масъулиятини ўз зиммасига олишни истамаган. Бунинг ўрнига муаммонинг илдизини совет замонида олиб бориб такашга уринган.

«Очиғи, совет замонида халқимиз осмонўпар шиорлардан, «қизил» гапларлардан чарчаб, безиб кетган. Одамлар ҳозир аниқ вазифа, аниқ мақсад, бошқача айтганда, аниқ саволга жавоб кутяпти», дейди нашр.

Газета ҳокимиятнинг халқ билан яқинлашувдан қочганлигини совет замонида бориб улаганига бир сабаб бор. Бечора нашр яқин

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўтмишимизда, Каримов даврида шундай бўлганини очик айта олмайди. Чунки янги юртбоши эҳкисининг йўлини давом эттираман, деб айтиб қўйган.

Янгининг гапига қарши гап айтиш эса улар учун ўлим билан баробар. Сиёсий ҳушёрлик узок яшаш сирларидан бири, деб билади газета ноширлари.

Буни яхши тушунадиган газета халқ билан мулоқот қилиш зарурати нисбатан амалда янги президент давридан англана бошлаганини хаспўшлашга уринади.

«Охирги йилларда маҳаллий ҳокимият мутасаддилари билан ўтказилаётган очик мулоқотлар бу борада муҳим қадам бўлди», дейди газетада чоп этилган мақола муаллифи.

Биродар, марҳум президент халқ билан мулоқотдан чекиниб, мавжуд ҳокимиятнинг тахтини омонат қилиб қўйгани учун янги раҳбарлар шунга мажбур бўлди, деб очик айтишга куч қайда буларда?!

«Халқ истаги — эзгу, халқ истаги — ҳақиқат», дея хулоса қилади газета. Бу гапларни халқ билади. Аслида бундай эмаслигини ҳам билади. Мазкур ҳақиқатни амалдаги ҳокимият ҳам англаб етганда эди, биз бугун бу гапларни ёзиб ўтирмаган бўлар эдик.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» Олий Мажлис Сенатида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун муҳокамаси тўғрисида ҳам материал чоп этиб, унда ХДПдан сайланган депутатларнинг фикрини келтириб ўтган.

Депутатлар Ўзбекистон шу пайтгача коррупцияга қарши курашиш борасидаги бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилганини эслатар экан, янги қонун бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлаган.

Аммо улар мазкур иллат Ўзбекистондаги бутун ҳокимият тизимларини камраб олгани, унинг жамиятга етказётган зарарини баҳолаш масаласида бирор оғиз гапиришга «иймаган». Бу «ийманувчанлик» ортидан уларнинг коррупцияга қарши курашиш борасида бирор иш қилишига ҳам шубҳа уйғонади.

Баҳодир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон
тахаллуси



Дунё бўйича энг паст интернет...

Ўзбек газеталари нималарни ёзмақда?

Ўзбекистондаги интернет сайтлари шу вақтгача тилга олинмаган муаммоларни ёритиб, ёзма нашрларга қараганда анча «довюраклашиб» бораётгандек таассурот қолдирмоқда.

Хусусан, Kup.uz сайти «республикамизда интернетга уланиш бўйича провайдерлик хизматини таклиф қилаётган фирма ва компаниялар, хусусан, юртимиздаги энг йирик, таъбир жоиз бўлса, интернет хизмати ва телекоммуникация соҳасида монополия даражасидаги «Ўзбектелеком» компаниясини танқид остига олди.

«...Афсуски, компаниянинг ушбу соҳадаги фаолияти сифат даражасида эмаслиги, унда мижоз билан ишлаш, унинг талабларини эътиборга олиш, боз устига, шартнома шартларига оғишмай амал қилиш тўғри йўлга қўйилмагани ҳар бир мижознинг хуноби чиқишига, асаби бузилишига сабаб бўлмоқда», деб ёзди сайт.

Сайт «Ўзбектелеком»нинг «Uzon-line» провайдерини меҳнатни бозор талаблари асосида ташкил эта олмаётганликда айбларэкан, «балки шунинг учун ҳам республикадаги интернет тезлиги етакчи рейтинг агентликлари томонидан тузилган жаҳон мамлакатларидаги интернет тезлигига доир тадқиқотларда охирги бешликка киритилар?!» дея киноа қилади.

Мақолада компания муайян тарифда белгиланган интернет тезлигини таъминлаш у ёқда турсин, унинг ярмини ҳам бера олмаётгани билдирилади.

Унда компания интернет тезлиги пастлигига линиялар бандлиги ёки эскирганини, хорижда рўй берган

носозликларни баҳона қилиб кўрсатаётгани таъкидланади ва бу қаби муаммоларни ҳал этиш аслида «Ўзбектелеком» зиммасида экани қўшимча қилинади.

«Қачонгача зиммамиздаги вазифалар бажарилмаётганини мардларча тан олиб, уни тузатиш ўрнига турли важларни рўқач қилаверамиз?!» дея савол қўйилади мақолада.

Муаллиф Ўзбекистондаги бошқа интернет провайдерларида ҳам вазият шундайлигини тахмин қилар экан, «интернетга уланиш хизматини таклиф қилувчи мобил алоқа операторлари ҳам 4G тармоқ дея балан্দпарвоз гаплардан нарига ўта олмайди», дейди.

Унинг айтишича, «мобил телефонингиз экранида 4G белгисининг туриши сизга шу тезликда интернетга уланиш бахти тақдим этилаётганини англамайди».

«Бунга ишончингиз комил бўлаверсин. Чунки 4G тезлиги қанақа эканини бевосита фойдаланиб кўрганлар жуда яхши билади», дейилади истехзо билан мақолада.

Мақоланинг эътиборли жиҳати шундаки, шу пайтгача маҳаллий нашрларда Ўзбекистонда интернет тезлиги дунёда энг пастлардан бири экани ҳеч қачон очикча ёзилгани йўқ.

Мамлакатдаги мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, бу «сир»ни ошқор этгани, интернет хизмати кўрсатишдаги давлат монополистини танқид қилгани учун сайтга нисбатан қандайдир чоралар кўрилишини тахмин қилиш мумкин назаримизда.

Баҳодир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон
тахаллуси

Амин бўлиш буюк бир неъматдир. Бир метрда неча сантиметр борлиги, бир кило неча граммдан иборатлиги, ўзининг қанча килограмм вазнда-ю, сув остида қанча вақт нафас олмай тура олишинг ҳақдаги билимларнинг бари инсонни мувозанатда сақлаб турувчи амният тошларидир. Инсонларнинг оқибатига, уй деворларининг собитлигига, фаслнинг мавжудлигига ишонч ҳам ана шундай амният тошларидандир.

Энг муҳим амният тошларидан бири эса, инсоннинг ўзини, ўз маънавий ва зеҳний чегараларини ҳеч бўлмаганда тахминан билиши, сезги ва тафаккури имкониятларини идрок этишидир. Бундай мувозанат ва аминлик туйғуси ҳали эндигина туғилган гўдакка ётди, шунинг учун ҳам у ўзи меҳмон бўлиб келган дунёга боқиб, ҳаяжондан қўл ва оёқларини қимирлатар экан, қўл ва оёқларининг қимирлаганидан ўзи ҳам ваҳимага тушиб, қўрқув ичида йиғлай бошлайди вайиғлагани сайин қўрқуви кучайиб, қўл ва оёқларини янада кучлироқ қимирлатади, улар қимирлагани сайин эса, қўрқуви янада ошади. Бу қўрқув ўз-ўзини қувват билан таъминловчи, файласуфлар орзу қилган ўша "мангу ҳаракатлантирувчи" каби бир қувват манбаидир. Бу "ҳаракатлантирувчи" фаолиятига фақат ташқаридан кимдир, гўдак мисолида эса, унинг онаси ёки отаси гўдакнинг қўл ва оёқларини кундоқлабгина, чек қўйиши мумкин. Гўдакдаги бу амниятсизлик туйғуси – нафақат унинг нотаниш дунёни ётсирашидан, балки, унинг хатто ўз вужуди – қўл ва оёқларига нисбатан туюётган бегоналик ҳиссидан ҳам ҳосил бўлгандир...

Кечкурунлари ўйку олдидан ҳар куни бир йўналиш бўйлаб бир-икки чақирим масофа пиёда юриш дастури бор эди, бу йўналиш таркибига ўртасидан трамвай йўли кесиб ўтадиган бир айлана йўл ҳам кирарди. Шундай пайтгача мен бутун сайрларим давомида ҳали бирон марта ҳам нафақат бу йўл хусусияти ҳақида, балки, унинг шу ерда мавжудлиги ҳақда ҳам ҳеч ўйламагандим. Бугун, мамлакатда ҳукм сураётган насронийларнинг диний байрами туфайли бутун Осло шаҳри аҳолиси ҳордиқ чиқараётган ва йўлларда одамлар ва машиналар жуда сийрак бўлган бир пайтда негадир шу айлана йўл четидидаги, шу пайтгача, бир қанча йил давомида, ҳеч эътибор бермаганим "спорвогн", яъний, ўзбекчага "темир йўл" деб таржима қилса бўладиган ёзувни ўқиб, бу ёзув мазмуни ҳақида ўйлай бошладим.

Бу жуда муҳим бир ёзув эди, бу ёзув инсонларни катта хатардан огоҳ қилмоқда эди: масалан,



Бегоналик ҳисси

дейлик, айлана йўл ичига кирган энгил (мен тасаввур қилган бу гипотетик энгил машина қора рангда эди!) машина бу ердан чап тарафга юрмоқчи бўлиб, бурилса, мутлоқ бир тасодиф туфайли айни пайтда қарши тарафдан айлана йўлга кирган ва уни ўртадан кесиб ўтаётган трамвай бу машинага урилиб, машинани мажақлаб ташлаши мумкинлиги ҳақда ўйладим ва сўнгра бундай фаразни бу қадар ҳафсала билан, икки-чикирларигача тасаввур қилганим ўзимга ҳам бир оз нашъа қилиб, йўлимда давом этдим.

Айлана йўлдан 30 метрча узоқлашганимда ва бу йўл таҳлиқаси ҳақда икки дақиқача илғари бошимга келган фикрларни унутиб улгурган ва хаёлим энди бошқа нарсаларга кўчган бир онда орқадан, йўл тарафдан қарсиллаган бир товуш эшитилди. Угирилиб қараб, айлана йўл ўртасида, боягина мен мен уни кесиб ўтаётганда пайтда йўлнинг икки йўналишида ҳам ҳеч кўзга ташланмаган ва қандай пайдо бўлиб қолгани қоронғи бўлган бир трамвай, мен ўгирилиб қарагандан сўнг яна 5-6 метрча юриб, тўхтади. Мен аввал трамвайнинг темир излари синиб, юролмай тўхтади, деб ўйладим ва нима бўлганига қизиқиб, орқага, трамвай тарафга қараб юрдим. Трамвай иккита узун вагондан иборат бўлгани учун унинг орқа вағони айлана йўлдан ўтиши мумкин бўлган машиналарга ҳалақит бериши мумкин эди, шунинг учун бўлса керак, уч-тўрт дақиқалик тадорикдан сўнг хайдовчи трамвайни сал олдинроққа, фақат трамвай учун белгиланган йўлга суриб қўйиш учун 30 метрча олдинга хайдади ва шунда трамвай ортидан кўз ўнгимда... олд қисми мажақланиб кетган бир энгил машина намоён бўлди. Бу ўша, бир неча дақиқа олдин менинг хаёлимдан ўтган қора рангли энгил машина эди. Машина ёнида тўрт киши – иккита аёл ва иккита эркак турарди.

Бу вақт ичида трамвайни четроққа чиқариб улгурган трамвай

хайдовчиси югуриб орқага, мажақланган машина эгалари ёнига қайтиб келди ва бу одамлар трамвай зарбидан йўлга тескари бўлиб қолган энгил машина ёнидан сал нарироққа, айлана йўл четига ўтишди – улардан бир киши, афтидан, энгил машина хайдовчиси бўлса керак, оёғини ушлаб, ерга, қор устига ўтириб олди. Машинадагилар трамвай машинанинг ўртасига эмас, олд қисмига келиб урилгани туфайлигина омон қолган эдилар. Агар тўқнашув машинанинг ўрта қисмига тўғри келганида, машина ичидаги одамлар хозиргидай четга чиқиб ўтирмаган, балки, машина билан бирга трамвайнинг олдида яна бир неча метр судралган ва ва эҳтимол, машина бутунлай мажақланиб кетган бўларди.

Мени бу воқеа ларзага солди. Мен бир лаҳза ичида ўзимга, атрофга, дунёга нисбатан ақл бовар қилмас мудҳиш бир бегоналик ҳиссини туйдим. Бу бегоналик ҳисси юқорида тасвирлаганим гўдакнинг ўз қўл ва оёқларига нисбатан туйган бегоналик туйғусидан анча чуқурроқ эканлигига ҳеч шубҳа йўқ эди. Бу туйғу – нотаниш шаҳарга, нотаниш одамлар орасига, нотаниш маданият ичига кириб қолиб, ўзини бегона ҳис қилаётган ва мувознатини йўқотиб қўйган бир одамнинг туйғусидан ҳам кучлироқ бир туйғу эди. Инсоннинг ўз вазни ва бўйи ҳақдаги, ёши ва билими даражаси ҳақдаги тасаввурларининг руҳий мувозанат учун етарли эмаслигини чуқур ҳис қилдим.

Мувозанат ва амният учун одам ўз хаёл ва фикрларининг қандай рўёбга чиқиши, аниқроғи, бу фикр ва хаёллар воқеаларга туртки берадимми ёки олдиндан белгиланган воқеалар (ёзмиш, тақдир, қадар) фикр ва хаёлларга туртки берадимми – бу каби муҳам саволларнинг ҳеч бўлмаганда тахминий жавобларини билиши лозимлигини ҳис қилдим. Бегоналик ҳиссидан қутилиш учун бунда жавобнинг мутлақо зарурлигини пайқадим.

Бегоналик ҳисси нега бўм-бўш кўчада улкан бир трамвай ва машина хайдовчиларининг бир-бирини "кўрмай" қолишлари сабабини билмаганликдан, бу хайдовчилар кўзини нима кўр қилганига ва нега бу "кўрлик" ва таҳлика ушбу воқеа содир бўлишидан бир неча дақиқа олдин бу инсонларга мутлақо алоқаси бўлмаган бошқа бир бегона (яна "бегона!") кишининг хаёлига келгани ва бу бегона кишининг у бегона кишиларга нима алоқаси борлиги ҳақдаги саволларга жавоб топилмаганидан келиб чиқмоқда эди...



Европарламент Ўзбекистонни болалар эксплуатациясини тўхтатгани учун мукофотлади

Ўзбек газеталари нималарни ёзмоқда?

«Халқ сўзи» газетаси (17.12) «Жаҳон» ахборот агентлигига таяниб Европа парламенти Ўзбекистон билан «тўқимачилик битими»ни ратификация қилиш учун овоз берганини хабар қилди.

Унда «ёзилишича, Европарламентнинг ялпи йиғилишида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик битимига тўқимачилик савдосига оид ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги протокол маъқулланган.

Бу ҳужжатнинг ратификация қилиниши ЕИга Ўзбекистондан тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилишга қулайликлар яратади ва борадаги кўплаб чекловларнинг бекор бўлишини таъминлайди.

Мақолада Европарламент халқаро савдо қўмитасининг Ўзбекистон бўйича маърузачиси Мария Арена хонимнинг кўпчилиги ҳамюртларимизни салбий маънода ҳайратлантирадиган гапларидан иқтибослар келтирилган.

Бу хоним «Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида мамлакатда муносиб меҳнатни таъминлаш бўйича сезиларли натижаларга эришгани»ни таъкидлаб, «ХМТ ҳисоботларига кўра, 2015 йилда Ўзбекистон болалар меҳнатига йўл қўйилмайдиган давлатга айланди», дея ўзбеклар назарида фирт ёлғон бўлган сўзларни айтади.

Нега бу ёлғон? Чунки бу гаплар билан европаликларни алдаш мумкиндир, аммо минглаб болалари ҳатто 2016 йилда ҳам пахта далаларига қувилган ўзбекларни

алдаб бўлмайди.

Жорий йилда камида 3-та вилоятда катталар қатори мактаб ўқувчилари ҳам пахта теримига жалб этилгани ҳақида эркин матбуот, фуқаролик жамияти фаоллари етарлича асосланган маълумотларни тақдим этди.

Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форумининг бу борадаги мониторингга оид ҳисоботида ҳам кўплаб шундай ҳолатлар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, унда мамлакатда пахта терими мавсумида мажбурий меҳнатни мониторинг қилаётган фаоллар таъкиб ва тазйиқларга дучор қилингани айтилади.

Шунга қарамай, М.Арена хоним «мамлакат ҳукумати ХМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро тузилмалар билан ушбу йўналишда (яъни болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида — таҳ.) олиб бориладиган фаолиятда ўзининг содиқлигини намоён этмоқда», дейди.

Аслида Ўзбекистон ҳукумати болалар меҳнатига чек қўйиш эмас, балки болалар меҳнатидан фойдаланишни давом эттириш сиёсатига содиқ қолмоқда. Буни жорий йилги пахта мавсуми янада яққолроқ кўрсатиб берди. Шундай бўлса-да, 2014-2020 йилларда Еврокомиссия Ўзбекистонга қишлоқ жойларни ривожлантириш учун 168 миллион евро ажратишини қўллаб-қувватлаш маъқул кўринади. Зора бу ёрдам Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланиш кўлами камайишига олиб келса! 2016 йилги пахта мавсумида мажбурий меҳнатга оид ҳисоботни бу ерда рус тилида ўқишингиз мумкин.

Баҳодир Шариф

Билсак эди, адашмасдик

Алишер Назар

Муаммо ҳам хумда турган мусалласга ўхшайди. Вақт ўтган сайин мусалласнинг таъсир қуввати ортгани каби, муаммонинг ҳам кўламикенгайиб кетаверади. Шунинг учун кўзга ташланаётган кусурларни вақтида муолажа этмоқ даркор. Мусалласнинг дозаси ортиб кетиб, хум «ёрилганидан» сўнг шўрпахта қидиришнинг ҳожати йўқ.

Мисолучун, бугунги таҳликали замонда одамларимизнинг диний саводхонлигини юксалтириш долзарб масаладир. Агар соф динимизни давлат бош бўлиб ўргатмаса, кимдир келиб «ўргатиб» кетади. Ўргатиб кетяпти ҳам! Эндиликда келиши ҳам шарт эмас, олис-олислардан туриб ўқитиб қўяверади.

Хўп, нима қилмоқ керак? Мавжуд имкониятлардан фойдаланайлик! Сўнгги йилларда ўнлаб телерадиоканаллар ташкил этилди. Аммо «диний телеканал» деган жой ҳамон бўш турибди. Ваҳоланки, бунга катта эҳтиёжимиз бор.

Барча телеканаллар каби ўзининг анъанавий дастурларига эга диний канал ташкил этилса. Унда долзарб мавзудаги давра суҳбатлари уюштирилса (аллақандай кинолар ҳақида ҳам соатлаб суҳбатлар уюштираяпмиз-ку), одамларнинг иймонига қувват бўладиган кинолар намоиш этилса (ҳар куни соатлаб ҳиндларнинг бемаънидан-бемаъни сериалларни ҳам кўриб ўтирибмизда), Қуръони карим тиловатлари қўйилса (ахир юртимиздан юзлаб қорилар, қориялар чиқаяпти, биз бўлса соатлаб бир тийинга қиммат хиргойиларни эшитиб ўтирибмиз), ақида, ҳадис, калом илмларидан маъвезалар тингласак... бунинг ҳаммаси ўзимиз учун фақат фойда-ку!

Билсак адашмаймиз, эшитмаймиз ва эргашмаймиз!

Манба: [facebook.com](https://www.facebook.com)

Ғафлат

Нуруллох Муҳаммад
Рауфхон

Ўйлаб қарасам, ҳамма
нарсани ғафлат бузади.

Масалан, лим-лим тўлиб
оқадиган ариқ ўзанини бузиш
учун бошига тўғон солиб
сувни бирдан бошқа ёққа
буриб юбориш шарт эмас. Бир
чеккасидан кўрсаткич бармоқ
учи билан салгина чизиб
қўйсангиз, етади. Билинар-
билинемас сизиб турса:

"Ҳа, арзимас экан-ку...";

"Озгинаси чеккага сизган
билан камайиб қолармиди...";

"Қайтага яхшилиққади, ён-
атроф ҳам яшилланиб қолади..."

каби мулоҳазалар одамларни
ғафлатга солади.

Бошда сизиб турган сув
секин-секин жилдирай
бошлайди, сўнг шалдираб
оқади ва... охири бир куни
қирғоқни тўласича ўпириб
юборади.

Дин асосини бузиш учун ҳам
уни таг-туғи билан қўпориш
шарт эмас. Бир чеккасидан
озгина дарз кетказиб қўйилса,
бўлди: ичидаги асллар ташга
чиқиб, ташдаги ёт нарсалар
ичига кириб бошлайди.

Илк дамдаги ғафлат вақт ўтиб
дарз тирқишга айланишига ва
кўплар бу тирқишга қўниқиб
қолишига сабаб бўлади.


Натижада кейинроқ тирқиш
ўзи аслида бормиди-йўқмиди
деган масалада тортишув
чиқади. Мунозара, мулоҳаза
кўпаяди.

Тирқиш катталаша
бошлайди.

Ва охири бир куни...
ўпирилади.

(Умуман олганда динимиз
қиёматгача ўпирилмайди!
Оллоҳ уни асрашни зиммасига
олган. Лекин кўпларимизнинг
қалбимизда ўпирилади, Оллоҳ
сақласин.)

Манба: nmr-yondaftari.blogspot.com.tr



Ўзбекистон переаждет на машинный сбор хлопка

В этом году в сборе хлопок участвует более 2000 механизированных бригад, в будущем году их будет больше

Ваъда қилинган машина терими ўрнига муносабатбозлик

Ўзбек газеталари нималарни
ёзмокда?

Махрум президент Ислон
Каримовнинг ҳар бир чиқиши,
ваъдалари ортидан халқнинг
турли қатлами вакиллари
бу чиқишларга муносабат билдириши
совет давридан қолган мазкур
анъананинг умри узайишига
хизмат қилиб келаётган эди.

Янги президентнинг чиқишлари
ортидан ҳам маҳаллий нашрларда
муносабатбозлик авжига минди.
Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг
Конституция кунига ва президент
лавозимига киришишга
бағишланган тантанали
маросимлардаги маърузалари
ортидан газеталар саҳифа-саҳифа
муносабатларни чоп этмокда.

«Адолат» газетасида (16.12)
эълон қилинган ана шундай
муносабат мақолаларнинг
бирида шу номдаги партиянинг
парламентдаги депутати
қўпчилик биладиган, лекин очиқ
айтилмайдиган бир ҳақиқатни
ошкор қилиб қўйган.

Бу мақолада депутат Қонунчилик
палатасига ташаббус ҳуқуқи
асосида киритилаётган қонун
лойиҳаларининг асосий қисми
Вазирлар Маҳкамаси томонидан
киритилаётганини таъкидлаган.

Яъни у халқ сайлаган
депутатлар ҳуқуқат тайёрлаган
қонун лойиҳаларини тасдиқлаш
билан банд эканини, уларнинг
ўзлари қонунчилик ташаббуслари
борасида деярли иш қилмаслигини

айтиб қўйган.

«Ўзбекистон овози» газетаси
ҳам ўз муассиси бўлмиш Халқ
демократи партияси фаолларининг
Ш.Мирзиёев маърузаларига қатор
муносабатларини эълон қилди.

Бу фаоллар янги президент
тилга олган масалаларнинг
«долзарблиги» ҳақида тўлиб-тошиб
гапириб, мазкур маърузалардан
келиб чиқадиган «вазифаларни
белгилаб олиш» билан машғул шу
кунларда.

Энг қизиғи, улар аввалги
президентнинг маърузаларидан
«келиб чиқадиган вазифалар»ни
ҳам жуда тез белгилаб олар, аммо
бу вазифалар ижро этилмай қолиб
кетаверар эди.

Шунинг учун халқда бу
фаолларнинг Ш.Мирзиёев
кўтараётган масалаларни ечиш
ваъдаларига нечоғлик ишонини
мумкин, деган истиҳола пайдо
бўлиши табиийдир.

Айни пайтда Мирзиёевнинг ўзи
ҳам ваъдасининг устидан чиқиши
билан мақтана олмайди. Уч йил
аввал у, 2016 йилда пахтанинг 90%
машиналарда терилишини ваъда
қилган эди.

Бироқ пахта ҳамон ваъда
қилинган машиналар ўрнини
босаётган минглаб талабалар ва
давлат муассасалари ходимлари
қўли билан терилмокда.

Баҳодир Шариф

Ўзбекистонлик газетхон
тахаллуси
Манба: Eltuz.com



"МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН"НИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ СОҲАДАГИ НАЙРАНГЛАРИ!

**("Гап Каримов ҳақида эмас"
мақоласининг давоми)**

Каримов сохта миллий қаҳрамон ролини нафақат иқтисодий соҳада, балки, ижтимоий соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам қойилмақом қилиб ўйнади. Ўйнаётган роли муваффақиятли чиқиши учун ҳатто ўзини "қип-қизил ахмоқ" деб аташдан ҳам тоймади.

Унинг: "-Кимда ким интернетни тўсман деб ўйласа, у қип-қизил ахмоқ!" - деб буюк дард билан айтган гапларини "Озодлик" радиоси кинояли эпиграф сифатида кўп марта такрорлади. Содда "халқ" эса менимча бунинг киноя эканини тушунмади.

"Демак, Каримов интернетнинг шаффоф ишлаши тарафдори экан, унинг атрофидагилар эса ёмон экан" деган ҳулосага келди содда "халқ". "Халқ"нинг ижтимоий- сиёсий соҳада шу тарзда алданишига юзлаб мисоллар келтириши мумкин.

Айниқса, Андижон воқеаларида қўли қонга ботган ҳолда: "- Мен ўзимнинг халқимни отаманми?!... Йўқ асло! Халқимни Акромийлар отди! Мен фақат ҳимоя қилдим халқимни!"... - шундай маҳорат билан гапирдики, "халқ" яна ишонди бу ёлғонларга.

Каримовнинг гаплари ҳам, имзоси ҳам, юриш-туриши ҳам ёлғон бўлган. Ҳатто ўлгани ҳам ростлиги менга шубҳали туюлади. Гаплари ёлғонлигини кўрдик. Лекин, имзода қандай ёлғон бўлиши мумкин?! У билан ишлаганлар яхши билишадики, юртни бошқаришга оид зарур қарорларни унинг ўзи чиқаради.

Лекин, ёлғон бўлса ҳам халқга ёқимли бўлган қарорларга ўзи имзо чекади, халқга ёқимсиз бўлган, ўзининг буйруғи билан тайёрланган қарорларга эса бошқа амалдорларга

имзо чектиради. Мақсад аниқ, "халқ"нинг онгида "Каримов яхши, унинг атрофидагилар ёмон" деган таассурот қолдириш. Гаплар ҳам, имзолар ҳам ёлғон бўлиши мумкин. Лекин юриш-туришда қандай ёлғон бўлиши мумкин?! Йўлда Каримовни кўриқлайдиган кўриқчиларнинг энг каттаси кимлигини биласизми?! Ҳеййй террористлар! Каримов кетаётган машинасини портлатиб, уни йўқ қиламан деб овора бўлманг.

Чунки, каттиқ кўриқланиб кетаётган машина ичида бошқалар бор, Каримов эмас. Бундай вақтларда артист Каримов бошига каска кийиб, мотоцикл йўлкасида машинадаги йўқ Каримовни кўриқлаб кетаётган кўриқчи ролини ижро этаётган бўлади. Каримовнинг махсус кўриқчиларидан бири дўстимнинг қариндоши. Ўша орқали бизга сизган бу хабарни эшитиб, очиғи бечора қоровул Каримовга ачиниб кетдим. Сўзларим ёлғон бўлса, марҳамат, Мирзиёев томонидан ишдан бўшатилган собиқ кўриқчилар айтсин бунни.

Ёлғон!... ёлғон!... Сўзида ҳам, ишида ҳам, юриш туришида ҳам фақат ёлғон. Мақсад битта. Халқни алдаш. Халқ алданмади, лекин "халқ" алданди!

Каримовнинг буюк артистлиги, унинг ижрочилик маҳорати энг чўққига чиққан, халқга яхши маълум, лекин ёлғонлиги "халқ"га маълум бўлмаган яна битта мисол билан фикримни яқунлайман.

1999-йил. Тошкентдаги қонли феврал воқеаларидан кейин кўп ўтмай, телекўрсатув саҳнасида "миллий қаҳрамон" тимсолини яратишга интилган Каримов Муҳаммад Солиҳга юзсизларча тухмат қилиб, монолог айтмоқда:

"-Ҳеййй номард! Ҳеййй номард! Президент бўлиш иштиёқида номзодингни қўйдинг президентликга. Марҳамат! Майдон очик! Лекин халқ истамади. Тушундингми?! Ҳоҳламади одамлар президент бўлишингни! Одамлар хоҳламаса, зўрлик билан президент бўлиш мумкин эмаслигини наҳот билмасанг?! Мардлик билан майдонга кирдингми, ўйинда ютқизгач, мағлубиятни ҳам мардлик билан

чекишни билгинда... Хўп, майли номардликга ўтдинг!.. Лекин, мени ўлдирмоқчи экансан, СНАЙПЕР БИЛАН МЕНИНГ ЎЗИМНИ ОТМАЙСАНМИ, аблаҳхх!!... Нима қиласан одамларни, бегуноҳ одамларни ўлдириб, номард?!.."

Кўрганингиздек, саҳна катта маҳорат билан ижро этилди. Кейинчалик Каримовнинг махсус хавфсизлик хизмати бу террор хуружидан хабардор бўлгани ҳолда, унинг олдини олмай, амалга ошишини кузатиб боргани тўлиқ исботланди.

Мақсад: 1) бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига йўл қўйиб бўлса ҳам, Каримовнинг "миллий қаҳрамон" ролини ўйнашига буюк бир имкон яратиш орқали "халқ"ни алдаш; 2) Бу террор хужумини тухмат йўли билан Муҳаммад Солиҳга ағдариб, уни бадном қилиш орқали яна "халқ"ни алдаш.

Кейинчалик бу террор хуружига Муҳаммад Солиҳнинг мутлақо алоқаси йўқлиги инкор этиб бўлмас далиллар билан исботланди. Шундай шармандали ҳолатда ҳам Каримовнинг бир оғиз узр сўрамагани унинг Муҳаммад Солиҳга нисбатан такрор ва такрор ишлатган "ҳеййй номард, аблаҳхх" каби ҳақорат сўзлари унинг ўзига тааллуқли эканини билдиради. Демак, Каримовнинг ўзи номард, ўзи аблаҳхх!

Баъзилар ўйлаши мумкин "Янги оғиздан эски гап". "Илгари айтилган, кўпчиликка маълум бу мисолларни яна такрор эслаш шартми" деб. Менимча бундай ўйлаш хато. Чунки Каримовнинг тухмат ва бўҳтонларга тўла "монолог"лари бундан минг марта кўпроқ намоиш этилди. Натижада

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

миллионлардан иборат алданган "халқ" пайдо бўлди. Энди бу ёлгонларни такрор ва такрор фош этиш йўли билангина "халқ"нинг кўзини очиш мумкин деб ўйлайман.

Хазрат Бехбудий айтганларидек "Ҳақ олинур, берилмас!"

Мухаммад Солих ҳам айтганидек, энди биз ўз ҳаққимизни оладиган даражада ёмон бўлишимиз керак. Бу, диктаторлик режимдан қутулишнинг зарур шартидир. Чунки Ўзбекистондаги оммавий тинтувлар, сиёсий махбусларга, айниқса Самандар Қўноновга муносабат – ҳокимият диктаторнинг меросхўрлари қўлида эканини кўрсатапти. Уша вақтларда давлат томонидан ҳам қонуний ҳисобланган "ЭРК" партиясига моддий ёрдам бергани учун 23 йилдан ортиқ қамокда ўтириб, эндиликда ёши 73 дан ошган отахонга яна 3 йилдан

ортиқ муддат қўшиб бериш - вахшийликдир. Демак, халқимиз алданишда давом этар экан, вахшийлик ҳам давом этаверади.

Сўзимнинг бошида айтганимдек тарихдан сабоқ ўлиқлар учун эмас, биз тириклар учундир. Хўш, Каримов ўз халқига шунча зулмлар қилиб, ўзбекнинг бойликларини ўмариб нимага эришди? Қабрга ўзи билан бирор нарса олиб кета олдимиз?

У тириклигида эртаю-кеч ҳаққига дуо қилиб, юртбошини мактайдиган баъзи дин вакиллари: "Авваллари ҳукуматга ҳеч нарсани тушунтира олмасдик, таклифларимизни қабул қилишмас эди" дея қисман бўлса ҳам собиқ юртбошларини танқид қилишни бошлашди. Бу албатта бир бошланғич ҳолос. Ҳар қандай диктатор истеъфоси ёки ўлимидан сўнгра қораланишга, бадном бўлишга маҳкумдир. Сабаби, диктаторлар ўз фаолияти давомида сиқиб, эзиб келган халқ барибир

ичидаги дардини тўқгиси келади. Бунини ҳозирда Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасига келаётган мактублар сонига ҳам кўришимиз мумкин. Хўш, Каримов замонида ўз ҳаётидан мамнун бўлган "халқ"га нима бўлди?!

Хуллас, Ўзбекистоннинг бўлажак янги президенти ҳам келажакда қораланиб, халқ қарғишига қолмаслик учун зудлик билан мамлакатда демократик ислохотларни бошлаши, ташқаридаги муҳолифатни Ўзбекистонга қайтиб эркин фаолият юритишига имкон бериши, Каримов режимида ноҳақ қамалган диний-сиёсий махбусларни оқлаб озод қилиши шарт. Демократиянинг асосларидан бўлмиш фикр эркинлигини ҳам тўлиқ таъминлаши керак. Чунки турфа фикрлар тўқнашмагунча ҳақиқат қарор топмайди ва ундай ерда ривожланиш ҳам бўлмайди.

Шоакбар Шорахимов

Шавкат Мирзиёев президентликка сайланди. Халқ томондан демократик тарзда барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда сайланди, деймиз-у, аммо бир қанча сабаблар борки, ушбу инсонни сайламасдан бошқа иложи ҳам йўқ эди халқнинг. Майли, бу бутунлай бошқа масала. Ҳозир бу ҳақда қалам тебратишни истамайман. Гап бошқа ерда.

Бу тўғрисида ёзишнинг ҳам мавриди эмасдек ҳозир. Ахир, Шавкат Миромоновичнинг баландпарвоз сўзларию, бир қанча янги қонунларга асос солганлиги кўпчиликни хурсанд қилгани бор гап. Кўпчилик хайратда. Биз қийин даврлардан ўтиб, янги ҳаётга қадам босаётгандекмиз гўё. Бу ҳам майли. Мени бошқа масала ўйлантирмоқда.

Авваламбор, Шавкат Мирзиёев президент вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаётган даврда ҳам, президент бўлган бугунги кунларда ҳам биринчи президент Ислоҳ Каримовнинг ишларини давом эттиришини кўп бора таъкидлади. Аммо ҳар биримиз бугун кўриб турибмизки, унинг бажараётган ишлари, яъни қўшнилари билан яхши алоқаларнинг ўрнатилиши, туристларни юртимизга қайтарилиши, валюта "қора бозорига" чек қўйилиши ва



Ғалати парадокс

ҳоказолар биринчи президентимиз қарашларига зид эди... Ўртада савол туғилади: Шуми Ислоҳ Каримов ишларининг давоми? Шуми биринчи президентнинг олиб борган сиёсати тарафдори, унинг давомчиси? Бугунги ишларнинг амалга оширилиши юртимизнинг биринчи президентининг қарашларига умуман тўғри келмас эди-ку? Буларнинг барчаси ғирт тескариси эмасми, ахир?

Бошқаларни билмадим-у, аммо шу ишлар олиб борилаётган бир вақтда менинг кўнглимда қандайдир ҳавотир бор. Тўғри, Шавкат Миромонович олиб бораётган бугунги сиёсати кўпчиликни, шу жумладан мени ҳам қаноатлантираётди. Аммо ҳали жуда кўплаб ишларни амалга оширишга қадам қўймасдан туриб, катта ваъдаларни бераётган одамга ишониш қийиндек, назаримда. "Мен биринчи президентимизнинг

ишларини давом эттираман", деб туриб ҳам ғирт тескари ишларни бажараётган одам ўз сўзида туриб беришига ишончингиз қилми?

P.S. И. А. Каримовни ҳурмат қиладиган, севадиган, салкам отасига қиёслайдиган оломоннинг бугунги ишларини кўриб, хайрон қолмоқдаман очиғи. Биринчи президентнинг олиб борган сиёсатини тўла-тўқис маъқуллашарди, уни яхши кўришарди, "Энг яхши президент", "Миллат Отаси" қабилдаги сўзларни бот-бот такрорлашарди, лекин... Шавкат Мирзиёев президент этиб сайлангач, уларнинг барчаси "Миллат Отаси", "Юрт қахрамони"ни бутунлай эсдан чиқариб ташладилар чоғи, бугунги президентнинг олиб бораётган сиёсатидан, амалга ошираётган ишларидан маст бўлган бу оломон "Бизни янги давр кутмоқда!", "Биз ниҳоят янги ҳаёт кечирамиз!", "Энди яхши яшаймиз!" - қабилдаги шиорларни ёдлаб олган. Ғалати парадокс. "Қирол ўлди... Яшасин қирол!"-ми энди бу ёғи?! Қани мантиқ? Ёки "ялашликнинг" чегараси, олқишларнинг ниҳояси йўқ бўлгани каби, маддоҳликда ҳам мантиқ бўлиши шарт эмасми?..

Темурмалик Тожиддинзода
9 декабр, 2016

Кейинги кунларда Фейсбукдаги ёпик гуруҳлардан бирида Тошкентда яшовчи аёлнинг Ўзбекистон президенти в.б. Шавкат Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасига ёзган мурожаати ҳақидаги пост кенг муҳокама қилинмоқда. Мурожаатда пойтахтдаги 64-мактабда ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш сўралган. Пост муаллифи – ўқувчи онасининг ёзишича, ўқув йили айрим ихтисослашган ўқитувчилар, жумладан, алгебра, геометрия ва физика ўқитувчиларисиз бошланган. Бошқа ўқитувчилар 2-3 ой ишлаб, ўқув йили ўртасида ишдан бўшамоқда. Шикоят халқ таълими Тошкент шаҳар бошқармасига “туширилган”, аммо мактабдаги вазият ҳали ҳам жиддийлигича қолмоқда.

Тошкентлик бу онанинг постига бир неча кун ичида мингдан фикр-мулоҳаза билдирилди. Бунинг ортидан Ўзбекистондаги мактабларда ўқитувчиларнинг етишмаслиги ҳамда таълим тизимида ўзбекистонликларни хавотирга соладиган бир талай муаммоларнинг борлиги ошқор бўлиб қолди. Уларни муҳокама қилишда ўқувчиларнинг ота-онаси билан бирга ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўқитувчилар – бир бор, бир йўқ

Ўзбекистонликлар мактабларда асосий фанлар бўйича ўқитувчиларнинг йўқлиги шароитида фарзандлари олаётган таълим сифатидан хавотирга тушмоқда.

“Бизда жисмоний тарбиячи параллел тарзда бошланғич синфни бошқаради. Иккинчиси эса географияни”, - деб ёзди Н.Н.

“151-мактаб. Ўқитувчилар етишмайдигина эмас, балки улар умуман йўқ дейиш мумкин. 6-синфлар эса биринчи ёки иккинчи смена эмас, умуман кўшимча сменада ўқишади. Ҳеч ким кўшимча смена вақтида ўқитгиси келмайди. Болалар кўчада юради”, - деб нолийди С.А.

“Бизда ҳам шу аҳвол. Ўтган йили асосий фанлар – алгебра, геометрия, рус тили ва адабиёти, география бўйича ўқитувчи йўқ эди. Бу йили топишди шекилли. 145-мактабдаги гап бу”, - дейди Н.К.

“Мен ўқитувчилик қиладиган мактабда ҳам, афсуски, ўқитувчилар етишмайди – эълон ҳам берилди, деярли уйма-уй юрилди. Одамлар



Ўзбекистонда ўқитувчилар оммавий равишда мактабни тарк этмоқда

мактабда ишлагиси келмайди, дипломи бўлса чанг босиб ётибди. Ҳатто институтга бориб, талабаларга тажриба тўплаш учун бир неча соатдан ишлашни таклиф қилдик. Йўқ, ҳеч ким хоҳламайди!” – деб маъқуллайди Л.И.

Гуруҳ катнашчиларининг гувоҳлик беришича, педагогик кадрларнинг етишмаслиги ўрта махсус ўқув юртларида ҳам мавжуд. “Коллежимиздаги “европейский” (русийзабон – “Фарғона” изохи) гуруҳларда иқтисодиёт, инглиз тили, рус тили, информатика, ҳарбий таълим бўйича ўқитувчилар йўқ”, - дейди Н.И.

Кўпчилик фикр билдирувчиларнинг ёзишича, айниқса русийзабон ўқитувчилар етишмайди. Бунинг устига ҳозирда рус тилида ўқитиладиган синфларга бораётган ўзбек болалари жуда кўпайган. Олий ўқув юртларида эса ғалати “ислохотлар” ўтказилаётгани туфайли ўқитувчиларнинг етишмаслиги муаммоси ечилмапти, балки баттар жиддийлашмоқда.

“П е д у н и в е р с и т е т д а талабалар сонини икки баравар қисқартиришди, демак кадрлар ҳам икки баравар кам бўлади... Бюджетда ўқийдиган талабалар контрактчилардан 3 баравар кам. Контрактчилар эса диплом учун ишлаб бериши шарт эмас. Европотокка квоталар қисқарди. Илгари гуруҳга 20 та талаба олинарди, энди 10 та бўлди. Тўлай оладиганлар ўқишга кирмоқда. Ўқиб, ишлаш истагида бўлганлар четда қолмоқда”, - дейди В.У.

“Бу йили барча олийгоҳларда магистратурада “европейский” группаларни ёпишди. Нимага? Сабаби ўша-ўша – ўқитадиган одам йўқ. Бакалавриятда ҳам бир неча фан ўзбек тилида ўқитилмоқда, чунки русийзабон ўқитувчилар йўқ”, - деб нолийди И.Р.

Маош кам, йиғимлар кўп

Ижтимоий тармоқ аъзоларининг қайд этишича, Ўзбекистондаги педагогик олийгоҳларнинг аксарият битирувчилари мутахассислиги бўйича ишга кирмайди. Бунинг сабаби кўп, булардан бири – ўқитувчиларнинг маоши камлигидир. Битта ставкага 600-700 минг сўм (“қора” бозор курси бўйича \$100 атрофида) тўлашади. Аммо ёш мутахассисларга фақат 0,5-0,75 ставка берилади. Кўшимчалар ҳам бор: 5 йил ишлагандан сўнг тоифа учун кўшимча, синф раҳбари бўлганлик учун, кўшимча соатлар, кун узайтирилгани учун кўшимчалар бор. Бу кўшимчалар билан ҳам тажрибали ўқитувчи кўпи билан 1-1,2 миллион сўм олади. Барча ўқув юртларида маош пластик карточкага ўтказилади, улардан фақат дўкон ва терминалларда фойдаланиш мумкин. Аммо улардан нақд пул олишнинг деярли иложи йўқ.

Бундан ташқари, ўқитувчилар мажбурий тартибда газетага ёздирилади, канцелярия молларини сотиб олиши керак ва мактабнинг турли эҳтиёжлари учун пул

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

йиғилади, шу зайлда маошнинг деярли 10 фоизи ушлаб қолинади.

“Мана, олийгоҳни тугатиб, мактабга ишга кирдим, менинг фаним учун туманимизда фақат 0,5 ставка бор экан, бошқа туманга бориш ўзини оқламайди, бошим оғриб уйга қайтаман, доимий асабийлашиш... яна пахтага, обунага пул йиғишлар. Ҳали бирор марта маош ҳам олганим йўқ, унияям 70 фоизи пластикка, ёзув-чизув ишлари кўп, навбатчилик, тозалаш, шанбаликлар, дам олиш куни йўқ, иш куни соат 16 гача, аммо барибир уйда ҳам дафтарларни текшириш керак. Шундай қилиб, 23 ёшга кирганда ўйлаб қоласан: шу нарса менга керакми – 300-400 минг учун соғлиқни йўқотиш, шахсий ҳаётдан маҳрум бўлиш, шу мактаб гамида яшаш?” – деб ёзади Т.К.

“Сиз бир кунгина ишлаб кўринг! Ҳозир ҳамма мактабдан қочяпти! Қанча қоғоз чиқариш керак, унга йиғ, бунга йиғ, ҳаммаси маошдан кетади. Қанақадир фондга йиғилса, ўқитувчилар ҳам четда қолмайди. Очик-ойдин айтишади: маошни олдинги, анавинга тўла, манавинга тўла. Нимага ўқитувчи маошини қолдириши керак, нимага шунча қоғозга сарфлаши керак?.. Арзимаган маошга бир дунё нарсани талаб қилишади. “Педнагрузка”ни айтинг, маҳаллаларда юрамиз, ўқувчиларни ортидан чопамиз”, - деб нолийди Г.Ф.

“Биздан фото ҳисоботлар, презентацияли дарс ўтиш талаб қилинади, аммо давлат мени фотоаппарат, компьютер, телевизор, электрон доска билан таъминлаганми? Директор буларни ота-оналар ёрдами билан сотиб олишга мажбурлайди. Қандай қилиб? Биз учинчи марта тилхат ёздик, ота-оналардан пул йиғмаймиз, акс ҳолда ишдан бўшаймиз, деган маънода... Демак, техникани ўқитувчи ўз маошига сотиб олиши керак. Буниси ҳам майли, дарсга ўз ноутбукимни олиб келувдим, хўжалик бўлими мудирлари дарҳол уни мактаб балансига ўтказиб қўйди”, - деб аччиғи чиқади А.Н.

Яна бир иштирокчи кўшимча қилади: “Мен ўқитувчи эмасман, аммо олийгоҳда дарс бераман. Биз республика форматидаги ҳар бир мақола учун 50 минг [сўм] берамиз, халқаро форматдаги мақолага эса – \$200. Бир йилда 5-6 та мақола чиқариш керак. Мен ўқув-

услугий мажмуаларни айтмаяпман, уларнинг ҳажми 200-400 саҳифадан ошади, уларни ўз ҳисобимиздан чиқаришимиз керак”.

“Муайян” мажбуриятлар

Кўпчилик фикр билдирувчилар Ўзбекистонда ўқитувчиларга юкланадиган кўшимча мажбурият ва топшириқлар ҳақида ёзишган – буларга пахта теримига чиқиш, шанбаликлар, мактаб ҳудудини ва атрофдаги ҳовлиларни тозалаш ва ҳоказолар киради. Ёз пайтида ўқитувчиларга таъмирланган биноларни тозалаш мажбурияти ҳам юкланади.

“Таътил пайтида ҳаммасини ўзимиз қилдик, ҳаттоки ҳомиладор ходимимизни ҳам директор ойна ювишга жўнатди”, - дейди К.С.

“Бизни эса узумни бутоқ қилишга жўнатишди! Дарслар қолиб кетгани билан ишлари йўқ. Нима қилсангиз қилинг, керак бўлса уч сменада ишланг”, - кўшимча қилади Ю.Х.

Ўқитувчилар бундан ташқари кўплаб ҳисоботлар, режалар ёзиши, услубий ва тарқатма материаллар ишлаб чиқиши, тўғарак ва кўшимча дарслар ўтказиши, дам олиш ва таътил кунларида турли навбатчиликларда туриши керак. Бунинг эвазига раҳмат ҳам эшитишмайди. Бунинг устига, ҳар қандай вазиятда ҳам ўқитувчи айбдор қилинади:

“Болани ўз вақтида олиб кетишмаса, ўқитувчи қараб ўтириши керак. Суткасига 24 соат, йилига 365 кунлик тўхтовсиз масъулият юкланган. Бит ёки гижжа топилса, ота-онани эмас, ўқитувчини жаримага тортишади. Сарик касали ёки эпидемиями – ҳамма жарима ўқитувчидан”.

“Бола ўз уйининг ҳовлисида ким биландир муштлашиб қолдими, ўқитувчига ҳайфсан берилади, энди ўқитувчи участка милиционери кабинетини ёки РОВДда соатлаб ўтириши керак. Ота-онадан талаб қилишмайди, негадир ўқитувчидан талаб қилишади!”.

Текширув устидан текширув

Шубилан бирга ўқитувчиларнинг фаолиятини мунтазам равишда турли текширувчилар – Молия вазирлигидан, Халқ таълими вазирлигидан келиб текшириб туришади ва жарима солиш учун иложи борича “қилдан қийиқ ахтаришади”.

“Бизни атайлаб мактабдан сиқиб чиқаришаётгандай тасаввур уйғонади. Қаерга

қарасанг ҳисобот, протокол кўчирмасидан протколларнинг протоколи сўрашади. Сентябрдан бошлаб кунора текширувчилар келиб турибди, ҳаммасига пора бериш керак. Мактабда болалар ортикчалик қилиб қолган. Дафтар текширишга вақт йўқ – ота-оналар билан, ўқувчилар билан алоҳида суҳбат протоколлари, синфдан ташқари тадбирлар протоколларини ёзиш керак, яна дарс режалари, соатлар бўйича ҳисобот ва бошқалар бор. Яна икки-уч йилдан кейин фалокат бошланади. Услугий ёрдам бериши керак бўлган саводсиз текширувчилар ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш ўрнига босим ўтказмоқда. Бундан мақсад майда хатоларни топиб, пул олишдир”, - тахмин қилади А.Н.

“Мактабдан қочининг яна бир сабаби шуки, текширувлар, кераксиз ҳисоботлар билан қийнаб юборишди. Текширувчилар келади, уларга сен дарсни қандай ўтишининг аҳамияти йўқ, уларга қоғозлар керак! Осмондан олиб ёзиш мумкин бўлган ҳисоботларни сўрашади, замонавий тарздаги дарслардан фото-ҳисобот сўрашади, уларга синф хоналари жиҳозланганми, ўқитувчилар зарур нарсалар билан таъминланганми, қизиғи йўқ! Мактабдаги ўқитувчи бу фаррош, хизматкор, пул йиғувчидир”, - дейди алам билан Т.П.

Ким ўқитувчи бўлмоқчи?

Ўзбекистонда ўқитувчи касби ўз обрўсини йўқотиб бормоқда, дейишмоқда интернет фойдаланувчилари. “Ўқувчилар болалигиданок ўқитувчиларнинг ночор аҳволини кўришади – улар кейин педагог бўлишга қаердан интилишсин?” – дейди улардан бири.

Шуниси равшанки, Ўзбекистондаги таълим тизими носоғлом ва самарасиздир. Унинг устига, ўқитувчиларнинг айтишича, вазият жар ёқасида турибди. Амалдорлар шу пайтгача буни пайқамасликка ҳаракат қилмоқда. Улар ўқувсиз қарорлар қабул қилиб, ўқитувчиларга ўз фаолиятдан ташқаридаги топшириқлар бериб, тизим эҳтиёжини ўз чўнтагидан қоплатиш учун безбетларча уларнинг ҳамёнига қўл урмоқда.

“Ўқитувчи камситилган ҳолатда бўлмаслиги керак – ўшанда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

уни ҳеч ким ҳақорат ва хафа қила олмайди. Уқитувчиларни пастга уриш – бугунги таълим тизимининг тактикасидир. Маошни кечиктиришади ва қисқартиришади, доим тўлов қвитанцияларини талаб қилишади, бир қарасанг психиатр кўриги, бир қарасанг мактабни таъмирлаш. Форма талаб қилинади. Ким киймаса – ишдан

ҳайдалишгача жазоланади. Бунақа аҳмоқликни ким ўйлаб чиқарган бўлса, ўша таълимнинг барбод бўлганига жавоб берсин”.

“Супуришни хизматкор қилса, қоровул – кўриқласа, деҳқон пахта етиштирса, статистлар уйма-уй юриб маълумот йиғса, ота-оналар ўз болаларига тарбия берса, ўшанда ўқитувчилар ҳам топилади. Бунақада, кечирасиз-у, ҳам тикувчи, ҳам ўроқчи, ҳам

сурнайчи бўлиш учун ҳеч қандай маънавий ва жисмоний соғлиқ етмайди. Маошлар ҳозиргидан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам”.

Бу сўзларга қўшимча қилишга гап йўқ. Ўзбекистон таълим тизимининг эртанги кунни, демак, бутун мамлакатнинг эртанги кунни бу сўзларга кулоқ солиш-солмасликларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Манба: “Фаргона” АА



Муҳаммад Солиҳдан кўрқиш эстафетаси

Каримов гўридан овоз: "Муҳаммад Солиҳдан кўрқиш эстафетасини сенга топширдим Шавкатбой!"

Eltuz.com учун чизган навбатдаги карикатурасида расом Туз Шавкат Мирзиёевни Каримов қабридан эстафета таёқчасини олиб кетаётган тарзда акс эттиради.

«Каримовнинг вориси Шавкат Мирзиёев Муҳаммад Солиҳдан кўрқишни ҳам мерос олган кўринади», дейди у.

Ўзбек расмийлари ўтган ҳафта Самарқандга ташриф буюрган Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон билан музокаралар чоғида Туркиядаги ўзбек муҳолифати раҳбари Муҳаммад Солиҳни мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилишган.

Элтуз нашрига бу маълумотни етказган мажлис иштирокчисига кўра, Бош вазир ва Президент вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев пайшанба кунни Тошкент шаҳар сайловчилари билан учрашув чоғида шу ҳақда маълум қилган.

Расом Туз
Манба: Eltuz.com

Меҳнат муҳожирлари пул жўнатмаларининг Ўзбекистон ЯИМ ҳажмидаги улуши 5 фоиздан ошмайди

Ўзбекистон иқтисод вазири Шухрат Исмаилов билдиришича, меҳнат муҳожирлар пул жўнатмаларининг Ўзбекистон ЯИМ (ялпи ички маҳсулот) ҳажмидаги улуши 5 фоиздан ошмайди, дея хабар беради Sputnik Ўзбекистан.

Унга кўра, сўнгги пайтда бу улуш ўзга мамлакатлардаги инкироз боис қисқариб бормоқда, бироқ Ўзбекистон расмийлари бу самарани б а р о б а р л а ш т и р м о қ қ а уринмоқдалар.

“Негатив таъсир иқтисодиёт аҳволида сезилмоқда. Бунақанги негатив таъсирларни бартараф этиш учун Ўзбекистонда аҳоли, биринчи навбатда ўзга юртлардан қайтиб мамлакатда иш излаётган меҳнат муҳожирларини бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинган. Ҳар йили ушбу дастур қабул қилинади, Ўзбекистонда

200-300 минггача ишчи ўринлари яратилади”, - дея қайд этиб ўтди Исмаилов.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган секторларини ривожлантириш ҳисобига меҳнат муҳожирлари юбораётган валюта миқдорининг қисқариши қопланмоқда. “Шу жумладан, Россиядан ҳам пул жўнатмалари ҳажми қисқараётганига қарамай, экспорт ҳажми ўсиши боис биз ҳеч қанақа салбий аломатларни кузатмаяпмиз. Ўзбекистон экспорти ҳажми ижобий трендга эга”, - дея билдирди Исмаилов.

Эслатиб ўтамиз, Россия Марказий банки маълумотига кўра, 2016 йилнинг биринчи ярмида Россиядан Ўзбекистонга \$952 млн жўнатилди, ҳолбуки ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич \$1,149 млрд эди.

Манба: “Фаргона” АА

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов